

ТИШ ҚАТОРЛАРИ НУҚСОНИ МАВЖУД РУХИЙ БЕМОРЛАРНИ ЗАМОНАВИЙ САД-САМ ТЕХНОГИЯСИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНАДИГАН ПРОТЕЗЛАР БИЛАН ПРОТЕЗЛАШ УСУЛИ.

Астанов Отабек Миржонович
Бухоро давлат тиббиёт институти
Ортопедик стоматология ва ортодонтия
кафедраси PhD, доценти
astanov.otabek@bsmi.uz

Аннотция. Мазкур мавзунинг илмий аҳамияти руҳий беморларнинг психоэмоционал ҳолатини инобатга олган ҳолатда, улардаги тиш қаторларининг қисман ва тўлиқ нусонларини замонавий рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолатда протезлашдан иборат. Руҳий беморларни протезлашга тайёрлаш, уларга олиб қўйиладиган тиш протезларини қўллаш бир қанча қийинчиликларга олиб келиши барчага маълум. Ушбу ҳолатни инобатга олган ҳолатда психиатр мутахассиси ҳамкорлигида протезлаш мақсадга мувофиқдир. Чунки улардаги руҳий ҳолатни қандай ва қайси ҳолатларда ўзгариши мутахассис томонидан назоратда бўлади.

Калит сўзлар. Руҳий беморлар, CAD-CAM технологияси, тиш протезлари, PolidentPink хом ашёси, 3D босма.

Руҳий касаллиги мавжуд беморларни протезлаш ҳозирги куннинг долзарб муаммолардан бирилиги барчага маълум. Чунки улардаги руҳий ҳолатнинг ўзгариб туриши, яъни тажовузкорлик, жаҳлдорлик, ўз жонига қасд қилиш каби белгиларнинг бўлиши улардаги стоматологик касалликларни ташхислаш ва даволашда бир қанча қийинчиликларни юзага келтиради [1,2]. Руҳий беморларни тиш қаторлари нуқсонларини протезлашда бир қанча усуллардан фойдаланиш мумкин. Кўп ҳолатларда уларда тиш қаторларининг чегараланмаган нуқсонлари ва тўлиқ нуқсонларини кузатишимииз мумкин. Бунга сабаб улардаги асосий касалликлари туфайли стоматологик гигиена қоидаларига риоя қилмаслигидадир. Аммо уларнинг чайнов фаолиятини

тиклаш ортопед стоматологларнинг фазифаларидан биридир. Шуни инобатга олиб бир неча хом ашёлардан ва усуллардан фойдаланган ҳолатда руҳий беморларни тиш қатори нұқсонларини протезлаш мүхим аҳамиятта эгадир. [3,4,5].

Тиш протезлари физик-механик тавсифи самарадорлигини баҳолаш мақсадида Villacril H Plus хомашёси күрсаткичи энг кам 93,33 mPa бўлғанлиги, PolidentPink CAD/CAM намуналарида энг катта 130,67 mPa күрсаткичлигини күрсатди. Next Dent хом ашёси 123,11 mPa күрсаткичи билан оралиқ ўринни эгаллади. Сиқишига синов натижалари энг катта күрсаткичлар PolidentPink (2,51 mPa) хом ашёсида, энг кичик күрсаткичлар Villacril H Plus (2,11 mPa), Next Dent Materials Denture 3D (2,47 mPa) хомашёсида эканлигини күрсатади. Статик эгишга синовлар, Villacril H Plus хомашёсида энг паст күрсаткичлар 14,75 кг/мм², ундан сўнг Next Dent Materials Denture 3D 24,55 кг/мм, энг катта қийматлар Polident Pink 29,56 кг/мм² эканлигини күрсатди.

Шундай қилиб, олиб қўйиладиган тиш протези учун намуналарнинг физик-механик хоссаларини таққослаш натижалари, барча турдаги синовларда CAD/CAM тизимда фрезерлаш учун Polident Pink хом ашёси энг катта күрсаткичларга эга бўлғанлигини күрсатди. Ушбу таққослашда энг кичик қийматлар анъанавий олиб қўйиладиган протезлаш учун акрил пластмасса Villacril H Plus хомашёсида бўлди. Оқимли 3D босма учун Next Dent Materials Denture 3D хомашёси Polident Pink ва Villacril H Plus ўртасида оралиқ күрсаткичга эга бўлди.

Субтрактив рақамли усулда CAD/CAM технологияси орқали тайёрланган олиб қўйиладиган протезлар учун биз қуидаги материалдан фойдаландик: Polident pink CAD/CAM disc, Sloveniya. 3D босмадан фойдаланиб аддитив ишлаб чиқариш йўли билан тайёрланган, олиб қўйиладиган протезлар учун Next Dent Materials Denture 3D, Нидерландия хом ашёси қўлланилди. Анъанавий усулда тайёрланган, олиб қўйиладиган

протезлар учун Villacril H Plus Латвия иссиқлик билан қотувчи пластмассадан ҳамда акрил тишларнинг стандарт сунъий тишлар тўпламидан фойдаланилди.

Тўлиқ олиб қўйиладиган протезларни тайёрлаш усули бўйича барча bemorlar уч гурухга ажратилди.

Биринчи гурух: тўлиқ олиб қўйиладиган протезлар анъанавий клиник-лаборатор босқичларга риоя қилган ҳолда bemorlar протезларига сунъий тишларни териш ва мумни пластмассага алмаштириш каби in Lab/MCX5 тизимидан фойдаланиб амалга оширилади, лаборатория босқичлари эса бундан мустасно. Ушбу усулдан мосламанинг тўлиқ тўплами мавжуд бўлмаган шифокорлар фойдаланиши мумкин.

Иккинчи гурухи уларга тўлиқ олиб қўйиладиган протезлар inLabMCX5, DentsplySirona тизими CAD/CAM дан фойдаланиб тайёрланди. Беморларнинг мазкур гурухи учун протезларни тайёрлашнинг барча босқичлари рақамли технологиялар усулида амалга оширилди. Maxsus қошиқ (Dentca) ёрдамида функционал қолиплар олинди, қошиқнинг орт қисми кесилди. Жағларнинг марказий нисбати аниқланди, улар оғиз бўшлиғида қаттиқ силикон масса билан маҳкамланади.

Учинчи гурух bemorlari тўлиқ олиб қўйиладиган протезлар 3D принтердан фойдаланиб тайёрланди. Ушбу bemorlarга олиб қўйиладиган протезлар протезнинг виртуал моделига базис хом ашёсини қатламли суриш усулида босиб чиқарилди.

Клиникада иккала жағида иккиламчи тўлиқ адентия мавжуд 20 нафар bemor текширилди ва қабул қилинди. Шулардан 10 нафар bemorга тўлиқ олиб қўйиладиган протезлар рақамли технология билан уйғунликда анъанавий технологияда тайёрланди, 18 нафар bemorга рақамли усулда (CAD/CAM ва 3D) тайёрланди. Ушбу усулда тайёрланган протезларнинг афзаликлари шундан иборат: вақт тежалиши, осон тайёрланиши, аниқлик,

окклюзион ҳолатни яъни тишловни максимал даражагача бир хилда бўлишини таъминлайди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, руҳий беморларни протезлаш орқали биз ортопед стоматологлар уларнинг чайнов функциясини тикланишига ва беморнинг ўзига нисбатан янада ишончининг ортишига ҳамда руҳиятини бир оз бўлсада яхшилашга сабабчи бўламиз. Бунинг учун албатта психиатр мутахассиси ҳамкорлигига ишлаш ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати:

1. Шайхова, Ш.Р., Тўхтаматов, А.А., Ўртаев, Б.Р. (2019). "Руҳий касаллиги бўлган bemорларда стоматологик касалликлар ва уларни даволаш усуслари". Тиббиёт илми ва амалиёти, 15(2), 112-117.
2. Бобоев, Ш.Х., Умаров, Н.А. (2020). "Руҳий касалликлар ва уларнинг оғиз бўшлиғидаги таъсири". Стоматология журнали, 23(4), 56-62.
3. Усмонов, Б.М., Махмудова, З.К. (2018). "Руҳий касаллиги мавжуд bemорларда комплекс даволаш ва тишларнинг ҳолатини баҳолаш". Ҳар бир тиббий соҳадаги тадқиқотлар, 9(1), 82-90.
4. Бекмуродов, У.Х., Турсунов, Ж.М. (2017). "Тишлар кариеси ва руҳий касалликлар: диагнози ва даволаш усуслари". Ҳар хил касалликлар ва даволаш, 11(3), 98-104.
5. Камилов, Ш.Р., Муратов, Б.К. (2021). "Руҳий касалликлар ва оғиз бўшлиғидаги шифоланиш жараёни". Тиббиёт ва стоматология соҳасидаги янги тадқиқотлар, 14(5), 210-217.